

№ 4 - сонли пудрат шартномаси

Жиззах шаҳри

2022 йил “31 Август”

JIZZAX O'G'IT SERVIS MCHJ номидан низоми асосида иш юритувчи директори Д.Назаров бир томондан (бундан буён матида “Бажарувчи” деб юритилади) ҳамда низоми асосида иш юритувчи 32-сонли ёрдамчи мактаб-интернати директори Н.Инатов иккинчи томондан (бундан буён матида “Буюртмачи” деб юритилади) куйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Бажарувчи” ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган марказ ҳудудидаги 32-сонли ёрдамчи мактаб-интернатини таъмирлаш мажбуриятини олади. “Буюртмачи” ушбу хизматларни ва товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг катъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг 3.1 бандида келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг хуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хохишига кўра куйидагиларни талаб қилиш:

- камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;

- баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;

- шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;

- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг хуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;

- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;

- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси 34411601 сўм.ҚҚС билан

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдоридан олдиндан тўловни амалга оширади ва келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади ва қолган 70% маблағ ишлар бажарилгандан сўнг Бажарувчининг ҳисобрақамига тўлаб берилади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаesi ҳисобварақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Ғазначилик штампида кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортик битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда. Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда миқдорга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдоридан жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдоридан жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплайди.

5.4. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида этказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида этказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлик ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнгин, тошқин, zilzila, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, энгил бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлик тўлайди.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воясатчилари ҳар қандай ноқонуний устуликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воясатчилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда куйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устуликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;

- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиклиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаглиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воясатчилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли

тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантрилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини таъминлаш ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шугулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадидлар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини таъминлади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Ҳазратиқиллик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Бажарувчи:	Буёутмачи:
JIZZAX O'G'IT SERVIS MCHJ	32-сонли ёрдамчи мактаб-интернати
х/р 20208000505006499001	х/р 100021860084017092400075002
Ипатекабанк Жиззах филиали	ХККМ Марказий банк Тошкент, ш
МФО : 00122	МФО : 00014
ИНН:207 164 514	ИНН: 201 627 528
ОКЭД:	ОКЭД:

Бажарувчи:



Ҳ. Раҳимов

Буёутмачи:



Н.Ипатов

Қўқувсеулос: 5016 5 509240



«СДИКЛАЙМАН»
 вилоят 32 интернат мактаб
 Н.У.Инатов
 Август 2022 йил

Жиззах вилоят 32-ёрдамчи мактаб интернати биносини жорий таъмирлаш учун бюджет маблағлари ҳисобидан товар (ишлар, хизматлар)ларни харид қилиш бўйича танлов ўтказилган комиссиянинг

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 6

2022 йил “30” Август Жиззах шаҳар

Жиззах вилоят 32 интернат мактаб раҳбари Н.У.Инатов,
 (Бюджет ташкилоти номи, раҳбари, раҳбар И.Ф.О.)
 2021 йил “24” декабрдаги № 22 -сонли бўйруғи билан тасдиқланган танлов комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда

Қатнашдилар:

Н.Пардаева - Жиззах вилоят 32 интернат мактаб баҳолаш танлов комиссиясининг раиси

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

- Н.Қўшақова - Қасаба уюшма раиси
- О.Ҳақбердиев - Ҳисобчи
- Ш.Эгамбердиев - Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари
- Д.Умарова - Манавий-марифий ишлар бўйича директор ўринбосари

Қун тартиби:

Жиззах вилоят 32 ёрдамчи мактаб интернат маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни харид қилиш (бажариш) бўйича махсус ахборот порталига 29.08.2022 йилда № 140896 сонли Жиззах вилоят 32-ёрдамчи мактаб интернати биносини жорий таъмирлаш учун ўтказилган электрон танлов юзасидан келиб тушган эътирозлар бўйича.

Жиззах вилоят 32 ёрдамчи мактаб интернат жорий таъмирлаш учун товар(ишлар, хизматлар)ларни харид қилиш (бажариш) бўйича иштирок этган даъвогар ташкилотлар ва уларга қўйилган умумий баллар

№	Товар (иш, хизмат)нинг номи	Ўлчов бирлиги	Сони (миқдори)	DEVERS STROY - DS M.CH.J.		ООО Fortuna Plus Umid		JIZZAX O'G'IT SERVIS M.Ch.J	
				Таклиф этган нархи	Умумий балл	Таклиф этган нархи	Умумий балл	Таклиф этган нархи	Умумий балл
1	32-ёрдамчи мактаб интернати биносини жорий таъмирлаш	Хизмат курсатиш	1	342 000 000	79.85	328 000 000	79.1	344 111 601	90.27
	Жами	х	х	342 000 000		328 000 000		344 111 601	


Талабгорлар томонидан 29.08.2022 йилда № 140896 сонли Жиззах вилоят 32-ёрдамчи мактаб интернати биносини жорий таъмирлаш учун ўтказилган электрон танлов юзасидан 30.08.2022 йил соат 10-00 га қадар ҳеч қандай эътироз бўлмади.

Комиссия Жиззах вилоят 32-ёрдамчи мактаб интернати биносини жорий таъмирлаш учун ўтказилган электрон танлов бўйича

Қарор қилади:

Жиззах вилоят 32-ёрдамчи мактаб интернати биносини жорий таъмирлаш учун электрон тарзда ўтказилган танловда жами 90.27 балл билан ғолиб бўлган «JIZZAX O'G'IT SERVIS» MCHJ билан шартнома имзоланиб, Ҳазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилсин.

- Н.Пардаева
(И.Ф.О.)
- Н.Қўшақова
(И.Ф.О.)
- О.Ҳақбердиев
(И.Ф.О.)
- Ш.Эгамбердиев
(И.Ф.О.)
- Д.Умарова
(И.Ф.О.)


 (Имзо)
 (Имзо)
 (Имзо)
 (Имзо)
 (Имзо)